

ИШОНСН

Ушбу сонда:

2-3 БЕҲАЛОВАТ
БАХТИЁРЛИК

3 ЭҲТИЁЖ ВА
ИМКОНИАТ

4 БУ МАСКАНДА ЕТУК
СПОРТЧИЛАР ТАЙЁРЛАНДИ

Тадбир

ҚАЛБЛАР МУРУВВАТДАН БАҲРА ОЛДИ

ЎЗКУФКнинг 3,5 миллион сўмлик
совғаси Зарбдордаги 2-мактаб-
интернат тарбияланувчиларига
топширилди

— «Билимлар кўни» Президент бобомларнинг совғаси — чиройли сўмка тўла китоб-дафтар ва бошқа ўқув жихозларини менга ҳам беришди. — дейди болаларга хос қувонч билан Мафтуна Бўриева. — Мен ҳам бундай ғамхўрликка жавобан факат «аъло» баҳоларга ўқиш-га ваъда бердим.

Шу кўни жажжи Мафтуна сингари Зарбдор туманидаги 2- заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатига ilk бор кадам қўйган 25 нафар болажонга Президентимизнинг совғалари топширилди.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, мактаб-интернат ўқув биноси ҳомилар томонидан капитал таъмирланди. Бунинг учун 200 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Болаларнинг ёзи сўғомлаштириш мавсумида вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаси томонидан 30 нафар бола Форшдаги энг сўлим масканлардан бири «Матлуботчи» оромгоҳида мириқиб хордик чиқаришди.

Ҳозирда мактаб-интернатда элликан зиёд педагоглар замонавий услубда таълим-тарбия ишларини олиб боришмоқда.

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Кенгаси ижроия қўмитаси қарорига кўра мактаб-интернат тарбияланувчиларига 3,5 миллион сўмлик маблағ ажратилгани бутун жамони, ота-оналар, айниқса, болакайлари қувонтириб юборди.

Яқинда ўқув масканида болаларга совғаларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда ота-оналар билан бирга кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси кенгаси масъул ходими Садриддин Сайфуллаев, Жиззах вилоят касаб уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раисининг ўринбосари Аъзам Ихтиёровлар тарбияланувчиларга совғаларини топширар экан, уларга энг яхши тилакларини билдиришди.

Мактаб-интернат раҳбари Ш. Зиёев, ота-оналар вакили О. Норқўзиева ғамхўрлик учун самимий ливнатдорчилик билдиришди.

— Спорт менинг жону-дилим, — дейди 4-синф ўқувчиси Дилшод Уринбоев. — Менга берилган мана бу спорт кийими жуда мос эди. Уни кийиб, янги таъмирланган спорт мажмуамизда ўтадиган беллашуларда фаол иштирок этиш ниятим бор. Масканимизда, шунингдек, 20 та тўғарак ва секциялар мунтазам ишлаб турибди. Бундай ғамхўрликлардан манмунизим.

Инсонга наф келтириш — олий бахт. Жиззах вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси аниқ режа асосида илг бошидан бўён уруш ва меҳнат фахрийларига, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, ота-онаси болалар, ҳалок бўлган ички ишлар органлари ходимлари оилаларига моддий ва маънавий кўмак бериб келмоқда. Шу кунгача 1770 дан ортик оилга 22 млн. 287 миң сўмлик кийим-кечак, озик-овқат, маданий-маънавий моллар, дори-дармон, бадий адабиётлар, ўқув қуроллари, дарсликлар улашилди. Шунингдек, меҳнатқашлар, айниқса, ёшлар ўртасида мустақиллик юялари, унинг мазмун ва моҳияти, юртимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири



«Сурхонтекстиль» кўшма корхонасида ишлаб чиқариш қуввати йил сайин ошмоқда. Бу ерда турли тўқимачилик маҳсулотлари тайёрланмоқда. Корхона Германия, Чехия ва Хитойдан келтирилган дастгоҳлар билан жиҳозланган. Сифатли ва пишиқ калава ип, хом сурп маҳсулотлари Россия, Италия, Англия ва Болтиқбўйи давлатларига экспорт қилинмоқда. Бунда 1100 нафар ишчи ходимнинг самарали меҳнати муҳасам. Улар уч сменада ишлаб, катта ҳажмдаги сифатли маҳсулот тайёрлашни ҳисса қўлишмоқда. Корхонада меҳнатқашлар учун тўла шароит яратилган. Уларга йўл ва овқат пуллари тўланмоқда. Тиббий кўриқдан ўтиш бепул. Байрамлар муносабати билан илгор ишчилар моддий рағбатлантирилади.

Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Юлдузли онлар ИРОДА - ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Тошкент теннис марказида
Осиё чемпионати баҳслари яқунланди

Теннис ишқибозлари учун мамлакатимизда ўтказилаётган турнирлар, чемпионатлар ниҳоятда мароқли бўлмақда. Мухлислар илгарилари ҳам «Президент кубоги», «Челленджер», «Тошкент олен» Осиё чемпионатлари баҳсларида дунёга машҳур ракетка усталари ўйинларини томоша қилишган.

Мана шундай йирик мусобақалардан бири Осиё чемпионати баҳслари қаторасига бешинчи марта пойтахтимиз теннис кортларида ўтказилди. Аввал хабар қилганимиздек, кўтхамизнинг 14 мамлакатидан ракетка усталари иштирок этган ушбу чемпионат голибларига «Улкан тож» туркумига кирувчи Австралия очик чемпионати баҳсларига йўлنامа берилди. Шу боис бўлса керак, теннисчилар бор маҳоратларини ишга солишди. Ўзбек теннисининг ёрқин юлдузи, «Уимблдон» турнирининг ўсирилар ўртасидаги собиқ чемпиони Ирода Тўлағанованинг ушбу чемпионатда қатнашиши эса унга бўлган қизиқишни янада ошириб юборди.

ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД

Машҳур ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги иборани Ирода Тўлағановага ҳам бемалол ишлатиш мумкин. Дарвоқе, Ирода аввалги сўзининг устидан чиқиб, барча рақиблирини енгиб, финалгача етиб келди. Фаройиб томоша тусини олган финал учрашувида Ирода Хитой Тайпейи вакили Юн-Жан Чанг билан рўбарў келди. Бу теннисчи қиз ярим финалда мусобақаларнинг ўтган йилги голибаси яна бир ҳамюртимиз Оккул Омонмуродовани ортда қолдирди. Финал учрашувининг биринчи сетини анча бўш ўтказган Ирода 5:7 ҳисобида имкониятни бой берди. Иккинчи сетинг икки гейминини ҳам ютказган спортчимиз, ўзида куч ва матонат топа билди. Аввалгига ҳисобни тенглаштириб, яқунда 6:2 ҳисобида сетни ютиб олди. Учинчи, ҳал қилувчи сетни галаба билан бошлаган вакилимиз 4:1 ҳисобида олдинда бора туриб, яна рақибининг 4:5 ҳисобида олдинга ўтиб олишга йўл қўйди. Жуда мураккаб ва ҳавфли вазиятда қолган Ирода яна ўзини кўрсатди ва ўйинда бурилиш ясаб, 7:5 ҳисобида зафар қучди. Тажриба, маҳорат ва албатта, ирода ўз сўзини айтди.

— Ушбу ҳаяжонли баҳсада зафар қучиш осон кечмади, — дейди чемпион матбуот анжуманида. — Билмадим, кейинги пайтларда нотекис ўйин кўрсатилган. Гоҳ ўзини қўлга олиб, қучли ўйин кўрсатган, гоҳида бунинг ақси бўлаётти. Аммо, ушбу баҳсларда зафар қучишни ич-ичимдан сезгандим. Турги, ёш теннисчилар менга қарши бор қучини ишга солишди. Масалан, 14 ёшли Албина Хабибуллинанинг бу қадар қаршилик кўрсатишини тасаввур ҳам қилмагандим. Аммо, ўйин, ўйин-да! Агар «Австралидан оғин»да ҳам шундай ўйнасам, ҳеч нарсага эриша олмастим аниқ. Шунинг учун машгулотларни қўяйотиришим зарур. Олдинда Хиндистон ва Кореядаги турнирлар ва албатта, терма жамоа таркибиде декабр ойида ўтадиган Осиё ўйинлари бу борада менга ёрдам бериши. Осиё ўйинлари мен учун яна бир жиҳати билан масъулиятлики, олдинги ўйинларнинг чемпиони бўлганим. Бу йил ҳам ушбу ўнвонни сақлаб қолишга интиламан, насиб қилса.

Албатта, ўз спорт фаолияти давомида АТР таснифида 17 ўрингача кўтарила олган, исми жисмига монанд теннисчи қиздан муҳлислар юқори натижалар қўлишга ҳақли. Ироданинг ўзи ҳам ушбу галабадан сўнг, катта илҳом ва руҳий қувват олганлигини таъкидлаб, насиб этса яна чиройли ўйинлар кўрсатишга ҳаракат қилишини билдирди.

ИСТОМИН — ҲАМ КУМУШ, ҲАМ ОЛТИН МЕДАЛ СОҲИБИ

Эрақлар ўртасидаги баҳсларда ўтган йилги Осиё чемпиони Денис Истомин бу йил ҳам чиройли ўйинлари билан муҳлисларни ҳушнуд этди. Финалгача етиб келган Истомин ҳал қилувчи баҳсада японлик Го-Сойедага қарши қорхта чиқди. Муросаси ўтан финал учрашувида япон теннисчисининг қўли баланд келди. У 7:6, 6:4, 7:2 ҳисобида ҳамюртимизни мағлуб этиб, Осиё чемпиони ўнвонини қўлга киритди.

Тарнатда, Денис яқинда имкониятни бой берган бўлса-да, футболлик баҳсларда Мурод Иноятов билан бирга голибликни нишонлади. Шундай қилиб, муҳлисларни ҳаяжонга солган бир ҳафталик теннис байрами ниҳоясига етди.

А. ЮСУРОВ,
«Ишонч» мухбири

— Ҳарбий хизматда бўлган кишилар яхши билишди: ўсирилик чоғларида ҳам мазнан, ҳам жисмонан чиниқдан йигитлар ҳар қандай мураккаб шартларда ўзларини йўқотиб қўймасликлари билан ажралиб туришадигина эмас, бошқаларни ортларидан эргаштириш қобилиятига ҳам эга бўлишди. «Ватанпарвар» ташкилотда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бугун ёшлар, ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, Республика Президентининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Қўчлари га навбатдаги қақриув тўғрисида»ги Қонунда Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи қарори руҳи билан яшамоқда. Кўнглили равишда Қуроли Қўчлар савида хизмат қилиш истагини билдираётганларнинг саноги йўқ. Катта ёндағилар

Жавоб

«ЧОРРАҲАДАГИ ТЎРТИНЧИ ЧИРОҚ» «Ишонч» 2006 йил, 15 июл

«Ишонч» газетасида чоп этилган «Чорраҳадаги тўртинчи чирок» сарлавҳали танқидий мақола Тошкент шаҳар ички ишлар идоралари шахсий таркиб ўртасида атрофлича муҳокама этилди.

Мақсуд мақолада байн этилган муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш юзасидан шаҳар ИИББ мутахассислари мунтазам чора-тадбирлар белгила олишди.

Жумладан, қўрилган саъй-ҳаракатлар натижасида шаҳар ҳудудида, йирик йўл чорраҳаларида, метро бекатлари станцияларининг чиққиш йўлаклариде, бозорларда ва бошқа жамоат жойларида дайдилик ҳамда тиланчилик билан шуғулланиб юрган 2300 нафар иш ва яшаш жойи ноаниқ шахслар ушланиб, туманлар прокуратураларининг санкциялари билан шахсини аниқлаш мақсадида реабилитация марказига жойлаштирилди.

Олиб борилган профилактик ишлар натижасида тиланчиликнинг 114 нафари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари то-

Мардлар қўриқлайди Ватани

Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаси раиси Абдулазиз АБДУКАҲҲОРОВ билан суҳбат

БЎЛҒУСИ АСКАР ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ НАМОЙИШ ЭТИШИ УЧУН БАРЧА ИМКОНИАТЛАР МАВЖУД

якши билишди, илгари вақтларда бунинг ақсини қузатиш мумкин эди. Бу ҳам мустақиллик шарофати, ўз ватани сарҳадларини қўз қорачигидек қўриқлаш шараф ишига айланганлигининг ўзига хос тасдиғи.

Маълумки, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунда Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасаларида Қуроли Қўчлар учун ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш вазифаси юклатилган бўлса, Вази-

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилган эди

Илик-иссик кўнларнинг ҳар дақиқаси олтинга тенг. Ана шу даврда режалаштирилган барча иш меъбрига етказилса, самараси эое кетмайди. Утган йил Наманган вилоти «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси жамоаси тасарруфдаги хонадонлар, корхона ва муассасаларнинг иситишга бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича анча-мунча ишларни қилганди. Бирок айрим ташкилотлар ҳамда шаҳар марказидаги уй-жой мулкдорлари (ширкатлар), маҳалла фуқаролар йиғинлари масалалага ээтиборсизлик билан қарагани ҳамда шартномаларнинг тўлиқ бажарилмагани натижасида таъминотда узилишлар бўлди. Қишнинг қирчиллама кўнларида баъзи мавзёларда иссиқлик етказиб бериш қийинлашди.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил олти ойлигида республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига бағишланган йиғилишида барча соҳалар таҳлил этилар экан, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг, ҳокимликларнинг ээтибори иқтисодий тармоқларини ҳамда ижтимоий соҳаларни қўз-қиш даврига тайёрлашга қаратилди.

Долзарб ишни белгиланган муддатларда ундадаш ва ўтган йилги хатоларнинг қайта такрорланishiга йўл қўймаслик учун Наманганда қандай чора-тадбирлар белгиланган, деган ҳақли савол турғилишига табиий. Айтиш жоизки, қиш мавсумида юзага келган муаммолар соҳадгиларга сабоқ бўлди. Шу боис, йил бошидан энержетика, газ ҳамда уй-жой мулкдорлари (ширкатлар), халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимлари, ишлаб чиқариш корхоналари билан истиқболли шартномалар тузиб олинди.

КИЧИК ҚОЗОНХОНА АФЗАЛЛИГИ

Мавжуд қарздорликларга барҳам берилиб, мавсумга тайёрғарлик ишлари сифатан ва ушқоқлик билан ўтказилмоқда.

Жумладан, режалаштирилган юмушлар бўйича 158 та қозонхонанинг 4 таси мукамал, 60 таси жорий таъмирланди. 12,5 километрда иссиқлик узатиш тармоқлари, 15 километрда изоляция ишлари бажарилди. Шунингдек, шаҳардаги 12 та маҳалла фуқаролари йиғини билан ҳамкорли йўлга қўйилиб, аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот олиб борилапти.

Қўз-қиш мавсумига лухта тайёрғарлик қуришни жаддалаштириш бўйича вилоятнинг Поп, Чуст, Қосонсой, Янгиқўрғон, Мингбулок каби бир қатор туманларида ҳам ибратли ишлар жуда қўл.

Иссиқлик манбаи етказиб берилаётган корхона, аҳоли пунктлари ва муассасалар билан ҳамкорлик барқарорлаштириш фақат қарздорликларга барҳам бериб қолмасдан, тармоқни ривожлантиришга ҳамда янгиликларни жорий этишга ҳам шароит яратмоқда.

Масалан, икки йил аввал соҳа мутахассислари тизимини марказлаштиришдан воз кечиб, унинг ўрнига кичик қозонхоналар қуриб, шу йўл билан

ла кичик қозонхона ҳам дастлабки синовда яхши самара берди. Хали олдинда қиш мавсуми турибди. Агар у яхши натижа берса, келажакда мавзёлардаги барча уйларида яшаётганлар алоҳида ўз қозонхоналарига эга бўлади ва уни ўзлари бошқаришди.

Бошқарма бошлиғи Қобилжон Солиевнинг таъкидлашича, бу борада катта таёйғарлик қўрилган. — Хусусан мутахассислар ҳамкорлигида жойлар танланмоқда. Яқин орада яна 35 та уйда яшовчилар шундай имкониятдан баҳраманд бўлишди. — дейди у.

«Лоқан» — яъни марказлаштирилган кичиклаштиришни тармоқда тўла жорий этиш йўлида вилоятда қўллаб саяёҳаракатлар қилинапти. Албатта бунинг учун анангина маблағ ҳам талаб этилади. Соҳадгиларнинг истеъмолчилар ўртасида тарғибот ишларини жонлантираётганига қарамай, барбир қарздорлик барҳам топмапти.

Масалан, шу кунгача корхона ва ташкилотлар, аҳоли зиммасида 484 миллион сўмлик қарздорлик турибди. Қўз-қиш мавсумига лухта ҳозирлик қуриш ва уни беталофат ўтказиш учун эса истеъмолчи ҳам масъулиятни ҳис этиши керак. Зеро, бунинг учун ҳали фўрсат бор.

Абдусами
ҲАКБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Мардлар қўриқлайди Ватанни

БЎЛГУСИ АСКАР ЎЗ Салоҳиятини намоиш этиши учун барча имкониятлар мавжуд

(Боши 1-бетда)

Ўйламанки, спортнинг авиация турлари ҳеч бир кимсани бефарқ қолдирмайди. Одамзот азаладдан кушлар парвозига ҳавасланиб келган, осмону фалакка ажиб бир ҳайрат билан боқиб, қувави ҳофизасига сиққанча орзуларга берилган. Бугун эса, бильакс, кушлар бизларга ҳавасланаётган бўлса, ҳеч бир ажабланмасдим. Харбий ва Фуқаро авиациясини қўй турайлик, бизнинг «Ватанпарвар» ташкилотимизнинг ўзидан ушбу Тошкент, Андижон ва Зарафшон шаҳарларидаги авиация клубларида спортнинг ушбу турларига бўлган иштиёқи қондириш учун барча имкониятлар мавжуд.

Айни пайтда мамлакатимиз минтақаларида техник ва амалий марказлар шўлаб турибди, 143 та ўқув спорт-техника клублари фаолият юритмоқда. Улар зарур техник жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, бу йўналишда янги, янада юксак поғоналарга кўтарилиш чоралари кўрилмақда.

Зиммамизга юклатилган вазифалар бир ташкилот доирасида ҳал қилиб бўлмайдиган даражада кенг кўламли эканлиги ўз-ўзидан тушунарли. Давлат аҳамиятига молик ишлар кўпчилигининг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишини тақозо этади, албатта. Айниқса, Сирдарё, Бухоро, Самарқанд, Наманган ва Фарғона вилоят ҳокимликлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилганлиги таҳсинга лойиқ.

Яна бир гап. Яқинда «Ўзавтотеххимат» уюшмаси ва «Ўзавтосаноат» компанияси билан ҳамкорликда республика автомобил Федерациясига асос солинди.

Кейинги беш йил ичида 4 та «Шонли Ватан тарихи» музейи очилди, барча ўқув муассасаларида маънавий хоналари ташкил этилди. Бунда «Ватанпарвар» ташкилоти ўз фаолиятини Мудофаа вазирлиги ва Миллий Хавфсизлик хизмати давлат чегараларини қўриқлаш кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маънавият ва маърифат» жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан тақвимиий режалар асосида олиб бораётгани кўл келмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида спортнинг техник ва амалий турлари бўйича 22 та республика, 113 та вилоят, 649 та туман ва шаҳар ҳамда 1511 та клубларро мусобақалар ўтказилди. Уларда 63 мингга яқин спортчи қатнашди.

Бу мусобақалар шунчаки кўнгилочар тадбир бўлмаганлигини шундан ҳам билиш мумкинки, қизгин бахслар натижасида ташкилот тизимида 11997 нафар иккинчи ва учинчи оммавий разрядли спортчилар (9714 нафар эркек ва 2283 нафар аёл), 149 нафар биринчи разрядли (107 нафар эркек ва 42 нафар аёл), 52 нафар спорт усталигига номзодлар (46 нафар эркек ва 6 нафар аёл), 9 нафар спорт устаси ва 2 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси тайёрланди.

Жорий йилнинг иккинчи чорагида техник ва амалий спорт турлари бўйича 80 та секция ташкил этилиб, улар сони 4079 га етди. Таҳлилларга қараганда, қаҳриққача тайёргарликнинг тарихий қисми бўлган спортнинг техник ва амалий турлари бўйича «Ватанпарвар» ташкилотлари тўғрисида секцияларида шугулланувчиларнинг умумий сони бугунга кунга келиб 77883 нафарни ташкил этмоқда, бу биринчи чорак кўрсаткичларига нисбатан 8323 нафарга ўсишга эришилди деганидир.

— Киши кўзуга боқиб ўз ҳолатини билиб

олгандек, халқаро турнирлар ўқи бўлган спортчи ёхуд жамоа тайёргарлигини ҳолис баҳолашга ёрдам беради. Жорий йилнинг ушбу палласигага ўтказилган мусобақаларда эришилган натижалардан кўнглингиз тўлдиими?

— Сўзимни кунни кеча Уфада ниҳоясига етган ёғи биатлон бўйича Жаҳон чемпионатида кўлга киритилган оламшумул ғалаба шарҳида бошласам. Халқаро тоифадаги спорт устаси Руслан Носиров барча-барчани таажжубда қолдириб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Илгари ҳеч қачон бундай ҳол юз бермаган эди. Демак, саяҳат ҳаракатларимиз зое кетмабди, демак, тўри йўлдан бораётган эканмиз. Бу бизга ўз кучимизга ишонч уйғотади ва албатта, янги-янги ғалабаларга чорлайди.

Умуман, 2006 йилнинг ўтган даврида мамлакат терма жамоаси спортчилари қатор халқаро мусобақаларда юқори натижаларни кўрсатишди. Жумладан, 3 мартда Қатарнинг Доха ва 10 мартда Иорданиянинг Агава шаҳарларида жаҳон Кубоги бахсларида ёш спортчиларимиз И. Морозов ва А. Михеев триатлон бўйича номдор рақиблари билан тенгма-тенг курашган бўлса, апрел ойида Қозғистонда ўтказилган «Олтин мерген» халқаро турнирда терма жамоамиз аъзолари 2 та олтин, 1 та кумуш ва 3 та бронза медалларини, 22 — 30 июн кунлари Киргизистоннинг Чўлпон-Ота шаҳрида бўлиб ўтган «Ёғи биатлон» бўйича Осиё кубоги бахсларида 9 та олтин, 11 та кумуш ва 1 та бронза медаллари соҳибига айланди.

23 июндан 3 июлга қадар Хорватиянинг Дубровник шаҳрида ўтказилган кема-модел спорт бўйича жаҳон чемпионатида ҳам терма жамоамиз омад кучлиларга кулиб боқшини яна бир қарра исботлашди. 20 дан ортик мамлакатдан 130 нафардан зиёд спортчилар иштирок этган мажмуи чемпионатда тўрт нафар спортчиларимиз терма жамоа ҳазинасини жами 8 та, шу жумладан 1 та олтин, 4 та кумуш ва 3 та бронза медаллари билан бойитишга муваффақ бўлишди.

Илгариликлар биз бу ҳақда фақат орзу қила олардик. Бу орзулар мустақиллик туғайли рўёбга чиқмоқда.

— Спортга сал ошно бўлган муҳлис яхши билдики, 100 метрга югуриш билан худди шу масофага тўсиқлар оша югуриш ўртасида анчагина тафовут бор. Техник ва харбий-амалий спорт турлари эса янада мураккаб. Шу ҳақда бироз тушунча берсангиз.

— Бахонидил. Биатлондан бошласак. Кўплаб халқаро мусобақаларни, айниқса, Чирчиқ шаҳрида ўтказилган Осиё очик чемпионати бахсларини телеэкран орқали кузатган кишилар, менимча, яхши билишади. Спортчи 3,5 ёки 7 километр масофани босиб ўтиши ҳамда милтиқдан ўк отишда мерганлигини намоиш қилиши керак. Триатлон янада оғир синовларни ўз ичига олган спорт тури ҳисобланади. Тасаввур қилинг-а, 1,5 километрга сузиш, 40 километр масофани велосипедда босиб ўтиш ва боз устига 10 километрга югуриш учун қанчалик қанча куч ва ирода талаб қилинади! Ушбу спорт турлари билан мунтазам шугулланган йигитлар ҳақиқий профессионал харбий хизматчи бўлишига шубҳа қилиш мумкинми ахир?!

Бундайлар орамизда жуда кўп ва уларнинг сони тўбора ортиб бормоқда. Бу, ўз-ўзидан армиямиз мард ва жасур ўғлонлар билан бўлиб, мустахкамларни бораётганини аңглатади.

— Устоз ва мураббийлар, улар ҳаерда ва қайси жамият тасарруфидан машғулот ўтказишмасин, ўз шогирдларининг ўқиши, ахлоқ-одоби ҳақида қайғуришни уну-

тишмайди. «Ватанпарвар» ташкилоти тизимида бу масала қандай йўлга қўйилган?

— Хурмат ва эҳтиром билан номини тилга олса арзишгучи мураббийларимиз кўп. Улар республикамизнинг турли бурчакларида ўз профессионал юмушларини сидқидилдан адо этиб келишмоқда. Тошкентдан Андрей Разувовский, Шавкат Исмаилов, Сергей Серебряков, Андижондан Ноил Ҳакимжонов, Самарқанддан Азиз Мамедов, Жиззахдан Анвар Юнусов, Намангандан Вячеслав Кондаков, Навоийдан Андрей Заднов, Олмалиқдан Андрей Сазонов, Шаҳрисабдан Абдулла Қаримов қабиладан билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Бугунги кунда тўғарак ва секцияларда 3300 дан зиёд спорт мутахассислари ёшлар билан машғуллотлар олиб бормоқда. Йигит-қизлар оқими йил сайин ортиб бораётганининг ўзиёқ мураббий-устозларга берилган муносиб баҳо, деб ўйлайман. Лекин инсон имкониятларининг чеки бўлмаганидек, изланишдан тўхтаб қолингандек ҳам ўсиш бўлмаслиги барчамизга маълум. Шунинг учун ташкилот тизимида спорт йўриқчилари ва мураббийларини қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув маркази ташкил қилинган. Ўқитиш жараёни Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти билан ҳамкорликда олиб борилиши ва шунга биноан ўқув дастурлари ишлаб чиқилганлиги, айтишим мумкинки, ўз самарасини берапти.

Қолаверса, ўқув марказининг республика техник ва амалий спорт турлари маркази қошида ташкил қилинганлиги, бу борада Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилганлиги, машғуллотларни юқори малакали ўқитувчи-профессорлар ҳамда «Ватанпарвар» ташкилотининг тахрибали мураббий-устозлари олиб боришаётгани учун ҳам қайта ўқишга қизиқиш яққол кўзга ташланмоқда.

Бу йил шу давргача 140 дан зиёд спорт ташкилотчилари ва мураббийлари ўқитилди. Шақ-шубҳа йўқки, билим ва тахрибаси ортан устознинг шогирдларига, ўз навбатида шогирдларнинг ҳам устозига бўлган муносабатиде яхши томонга ўзгариш юз беради. Узаро эҳтиром охири-оқибатда юксак натижалар қайд этилишига туртки беради.

— Бўсагада яна кўнлаб йирик мусобақалар турибди. Сиз ундан нималарни кутмоқдасиз ва у қай жиҳатлари билан ташкилот зиммасидаги вазифа ва мақсадларга хизмат қилади?

— Ҳозир бутун диққат-этибор Қатарда ўтказилаётган Осиё йўналирида муносиб қатнашга қаратилган. Вакилларимиздан умдимиз катта. Ўйламанки, халқаро «Олтин мерген» мусобақасида голийлик шохсупасига кўтарилган Яна Фатхих, Сакина Мамедова ўзининг нималарга қодирлигини яна намоиш этади. Иван Морозов, Евгений Макеев ва бошқа спортчиларимиздан ҳам фақат совринли ўринларни кутишга ҳаққимиз.

— Хар бир ғалаба ўз холича янги босқични бошлаб беради. Вакилларимизнинг муваффақияти спортнинг техник ва амалий турлари оммавийлигини оширишга хизмат қилади. Оммавийлик бўлган жойда натижа ҳам бўлади. Ва албатта, Куролли Кучларимиз кучли, иродали, ҳеч қандай қийинчиликлар қаршида ўзини йўқотиб қўймайдиган, ҳам маънан, ҳам жисмонан етук аскарлар билан тўлиб боради. Бу биз учун энг муҳимидир.

Сўхбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ

Оққўрғон туманидаги «Ақмал» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмасини Республикада яхши билишади. Унинг раванқ топишида изланувчан, тиришчи олим Раҳимжон Умировнинг саяҳатлари беқийс. «Ақмал» фирмаси истиклол даврининг меваларидан. Ушбу корхонада айни пайтда бир неча турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 115 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилаётганлиги сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, корхона даромади йил сайин ортиб бораётир. Жумладан, ҳозирда фирманинг айланма маблағи 635,4 миллион сўмга етди. Унинг фаолияти икки мақсадга йўналтирилган. Биринчиси, халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш ва бозорни тўлдирish бўлса, иккинчиси, ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларини қўллаш, замонавий технологияни кенг жорий этишдир.

Раҳимжон Алимқентда туғилиб ўсган. Бўладиган бола бошидан маълум деганларидек, у мактабда фақат аёло баҳоларга ўқиди ва уни имтиёзли тамомлаб, Беруний номидаги политехника институтига ўқишга кирди. 1982 йилда уни муваффақиятли битирган Раҳимжонни устозлари «сендан яхши олим чиқади», деб олийгоҳда олиб қолишди. Ёш йигитдаги кучли иқтидорни ўз вақтида илган мураббийлари унинг истеъдодини рўёбга чиқиши учун ёрдам беришди. Марказий газета ва журналларда ёш олимнинг соҳа ривож ва таракқиётига оид қатор илмий мақолалари чоп этилди. Кўп ўтмасдан техника фанлари бўйича номзод-

лик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Озиқ-овқат саноати техникаси соҳасидаги янгиликларни учун «Ихтирочи» деб эътироф этилган. Раҳимжон Умиров илмий излашларини давом эттириб, Урта Осиё озиқ-овқат саноати институтида илмий ҳодим ва бўлим mudiri лавозимларида ишлади. Истиклол юрагида ўти бор йигитнинг ғайратини жўш урдирди юборди. Юзга келган қулай имконият унинг ғайратига ғайрат қўшди, янгиликка қўл уришга ундади. У тинимсиз излашлари туфайли 40 ёшга етар етмас фан доктори илмий даражасини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Маълумки, назария билан амалиёт биргаликда

олиб бориладигани ижобий натижага эришиш мумкин. Ёш олим Р.Умировнинг ҳам асосий ютуғи ана

БЕҲАЛОВАТ

шу икки омилини қовуштириб билганида.


1993 йилда Алимқентдаги кўп йиллар ишламай, пугурдан кетиб қолган корхона биносини сотиб олди. Бино пухта таъмирланиб, технология ўрнатилди ва баъзи усқуналар қайта қурилди. Дастлаб турли қийинчиликларга дуч келинди. Баъзилар Раҳимжонга банкдан кредит олиб иш юритишни тақлиф этишди. Ўз кучига, имкониятига

ки қўшни туманлардаги 500 дан ортик фермер хўжаликлари билан шартномалар тузилди.

Ҳаёт — ҳаракатдан иборат. Раҳимжон Умиров ушбу иборани тез-тез ишлатади. Оқмаган дарёнинг номидир тақир, деганларидек, бир жойда тўхтаб қолишни истамайди. Шу боис, даромад ҳисобидан фирманинг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтира бошлади. Масалан, сут-

дан қувадиганлардан эмас. Мароқли меҳнатдан сўнг маънавий хордиқ чиқаришни хуш кўради. Хусусан, «Азиз» соғломлаштириш марказининг қуриб битказилиши қишлоқ жойдаги ишчи-хизматчилар учун аини мурдао бўлди. Эндиликда барча ишловчилар ушбу соғломлаштириш мажмуидан унумли фойдаланишмоқда.

Раҳимжон аканинг спортга меҳри бўлақча. Айниқса,



КОЛЛЕЖДА КОРХОНА

Пскент туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежидан ўтган йили Япониянинг JBC банки кредит маблағи ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган корхона барпо этилган эди.

Хар сменада бир тонна томат пастаси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу кичик корхонада эндиликда олима, беҳи, ўрик, олхўри ва бошқа мевалардан қуюқ шинни (жем) тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Муҳими коллежнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш технологиясини йўналиши бўйича таълим олаётган талабалари бу ерда шугулланиб, назарий билимларини амалий иш жараёнида мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлдилар. Дарвоқе, коллеж жамоаси шу йил май ойида ўтказилган

«Маҳорат-2006» кўрик-танловидан ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб, вилот коллежлари ичида «Тадбиркор жамоа» номинациясига эга бўлишди.

Суратларда: ўқитувчи Ҳамид Отабоев талаба Дилдора Мадиевага линия

ни бошқаришни ўргатмоқда; 3-босқич талабаси Муштарий Қўчқорова корхонада тайёрланган янги маҳсулотни намоиш этмоқда.

А.ХУДОЁЕВ олган суратлар



Нафсим менинг балодир

Ер юзида содир этилажак жиноятларнинг асл сабаби ҳамиша нафс билан боғланади. Нега инсон кўп ҳолларда унга бўйсунмайди? Ахир бу ишнинг охири «вой» эканлиги барчага бирдек аён-қў!

Қонун олинди жавоб бераётганида. Омон Сувоик-уловнинг ҳам кўнглидан юқоридаги каби саволлар ўтган бўлса не ажаб. Келинг, гапни бироз аввалроқдан бошлай қоллайлик. Омон ака ҳам барча инсонлардек тонгда уйғонар, ишга отланар, кунботарда хордиқ уйига қайтарди. Унинг барча инсонлардан фарқи — бўйнида юксак маъсулият борлигида, халқ, эл-юрт унга ишонч билдириб, Қарши тумани «Нукрабод» қишлоқ фуқаролар йиғини раислиги вазифасини топширганида эди.

ОҚСОҚОЛ БЕРИЛГАН ПОРА ЭВАЗИГА

темир-терсак сотиб олмоқчи бўлди

Зиммасига ушбу масъулиятнинг юкланганига ҳам саккиз йилдан ошироқ вақт ўтди. «Кўза кунда эмас, кунда синди» деганларидек, нафс барибир голиб келди. Хузурга ёрдам сураб келганларнинг оғирини енгил қилиш, йўл-йўриқ кўрсатиш ўзининг бурчи эканлиги ёдидан кўтарилганди.

2006 йилнинг 2 февралда уй қуриш учун ер ажратиши сураб келган Зубайдулло Раҳмоновдан пора талаб қилганлиги ҳам бурчини унутиб қўйганлиги билан боғлиқдир. Зубайдулло ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши таниганлардан экан, бу «касалик»ни «даволаш» йўллариини излаб, Қашқадарё вилоят ИИБ бошлиғи номига ариза ёзди.

Пухта ўйланган ва тезлик билан амалга оширилган режа натижасида Омон Сувоиклов таъмагирлик йўли билан Зубайдулло Раҳмоновдан 250 минг сўм пора олаётган вақтда қўлга туширилди.

Омон ака Зубайдуллодан ҳеч қандай пора талаб қилмаганлигини, бор-йўғи фуқаролар йиғини зиммасига йиғиб топшириш юклатилган 3 тонна темир-терсак йиғишга ёрдам беришини сўраганлигини, бироқ бунинг ўрнига пул берганлигини, оқсоқол бу пулларга темир-терсак сотиб олиб, «Қора металл» корхонасига топширмоқчи бўлганини таъкидлайди.

Зубайдулло эса Сувоикловдан 3 тонна металл омон 250 минг сўм беришини талаб қилганлигини, акс ҳолда ҳеч қандай ер берилмаслигига шаъма қилганлигини айтиди.

Дастлабки тергов ва суд жараёнида тўплаган далиллар О.Сувоикловнинг айбдорлигини тўлиқ тасдиқлади. У суд ҳукми билан тегишли жазога тортилди.

Х. ҚАРИМОВ, Қашқадарё вилоят прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси, Д. РАҲМОНОВА

АМАЛИЙ СЕМИНАР

6-7-сентябр кунлари Тошкент шаҳрининг «Пойтахт» меҳмонхонасида БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) ҳамда Журналистлар ижодий ваколатхонаси бошлиғи Д.Н.Хоссаини, Анемия марказининг бошлиғи Д.Н.Сулаймонова, «Соғлом авлод учун» жамғармаси мутахассиси Д.Д.Шарипова ҳамда урни бойитиш бўйича Миллий дастурнинг менеждери О.Мархошимовлар сўзга чиқдилар. Тадбир қатнашчилари бойитилган ун ишлаб чиқарувчи «Галла-Алте» ва «Кардинал-Трейдинг» корхоналарида, «Донмаҳсулотлари» уюшмасининг илмий ишлаб чиқариш маркази, «Тошкент-нон» нон ишлаб чиқарувчилар уюшмасининг новвойхонаси ҳамда Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтининг анемия марказида бўлдилар.

Узбекистон Журналистлар ижодий уюшмасининг раиси Х.Ғуломов ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Д.Н.Хоссаини, Анемия марказининг бошлиғи Д.Н.Сулаймонова, «Соғлом авлод учун» жамғармаси мутахассиси Д.Д.Шарипова ҳамда урни бойитиш бўйича Миллий дастурнинг менеждери О.Мархошимовлар сўзга чиқдилар. Тадбир қатнашчилари бойитилган ун ишлаб чиқарувчи «Галла-Алте» ва «Кардинал-Трейдинг» корхоналарида, «Донмаҳсулотлари» уюшмасининг илмий ишлаб чиқариш маркази, «Тошкент-нон» нон ишлаб чиқарувчилар уюшмасининг новвойхонаси ҳамда Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтининг анемия марказида бўлдилар.

Д.РАҲМОНОВА

Бундай тадбирдан мақсад урни бойитиш миллий дастури ва микроэлементлар танқислиги муаммоларининг ҳал этиш соҳасидаги тарбиёт-ташвиқот ишларига журналистларни жалб қилиш ва аини вақтда барчага бирдек ҳавф солаётган темир танқислиги анемиясининг олдини олишга қаратилди.

Киш чилласи кечаятган осуда тонглардан бири. Андоқ қишлоғида секин-аста янги кун бошланапти. Шу пайтда ўтган-қайтганлар куюқ тугун ва ёнғин ёлқини таралаётган бир ҳовлини кўриб қолишди. У тобора самога тил чўзарди.

Худо асрасин, бундай кунда ким ҳам қараб тура оларди. Хай-хайлашиб чор тарафдан кўни-кўйинлар кела бошлашди. Челақ туггани қайси-ю, нарвон кўтаргани қайси... Ё алхазар! Анал-тақал иситилиб келинадиган хонадондан бу янглис буралиб аланга кўтарилиши ҳеч бир ақлга сиймайди!

ганча ётибди. Оёқлари чала қуйган, ингичка арқон чилвирда бир-бирига банди қилинган. Қўллари ҳавога даст кўтарилган қўйи қотган. Жасадининг бошида 3-4 ёшлар чамасидаги яна бир бола юзубдан тушганича олов таъсирида ярим ғужанак ҳолатига тушиб қолган.

Йигитлардан бири бешикнинг қўйи қисминдан ушлаб, чақалоқни олмоқчи эди, кўпчилик йўл қўймади. «Бўлди, қайтганлар. Ҳеч нарсага тегишмасин!»

Бино ташқарисида бир

НОЗГУЛНИНГ

— Ҳу-о, бо-ла-ам!, — ингради кимдир ўт ичидан. Йўловчи йигитлардан бири ўзини тугун орасига урди. Лекин, орадан хиёл вақт ўтмай, қайтиб чиқди.

— Эшик маҳкамланган, деразани бузасмикин-а?

Қўлидаги кетмоннинг муҳраси билан деразага урди. Зарбдан дераза ойнаси чилчил синиб ерга тўкилди. Улар ичкарига киришди. Хона ичи аччиқ тугунга тўлган. Тахмондаги кўпалар қулга айланиб бўлган. Урта кулда бешик ичида беланган митти ғудакчаси билан турибди. Унга рўбарў солинган тўшамча устида бир аёл, хойнаҳой хонадон бекаси бўлса керак, шифтга термул-

зумда гала-говур ва дод-фаред бошланиб кетди. «Вой болам! Бу мина кўргулик, жигарлар-и-им!»

Ийги ва ўтли фарёдлар қўшни қишлоқдан марҳума келинининг ота-оналари, яқин қавмлари етиб келганида еру кўкни ларзага солди...

Балозат даври ҳар бир йигит-қиз учун ўзига хос саргузаштлар фаслидир. Барча иштиёқ, ҳар бир янглик дилларга рангин туйғулар бахш этиб, кишини орзулар оғушига етаклайди. Урта мактаб битириш арасида оққорани анча таниб қолган Нозгулни ҳам бошқа дўгоналари каби тилқилари қўшқанот ёза бошлаганди. У ер бу

футболнинг ашаддий мухлиси. Шу сабабли, туманда спортни, хусусан футболни ривожлантиришга катта улуш қўшаётди. Кўп йиллардан буён республика биринчилигининг 2-лигасида тўп сурувчи «Акмал» клубига бош хомийлик қилиб келмоқда. Шу жиҳатдан дўстлари ҳазиллашиб Раҳимжон акани Лондоннинг «Челси» клуби ҳўжайини Р.Абрамовичга қиёслашди.

— Р.Абрамович менинг издошим, — дейди у ярим ҳазил, ярим жиддий. — Чун-

маош тўлаб, жамоани саклаб турш анчайин залворли юк.

Дарвоқе, Раҳимжон ака яқинда Германияда бўлиб ўтган жаҳон биринчилигини баҳра олиб қайтди. У киши мухлисликни ҳам, хомийликни ҳам ўрнига қўядиганлардан. Хорижда кўплаб футбол клублари, айниқса, терма жамоалар асосан хомийлар мададига таянишар экан. Бизда ҳам келгусида у кишидай жонқуяр хомийлар кўпайса, футболимиз бундан ҳам

дала шийпонлари бунёд этилган. Республикадаги фермер хўжаликлари учун уларнинг дала шийпонлари бемалол ўрнак қилиб кўрсатса бўлади. Миришкорлар бу йилги мавсумда давлатга пилла, галла топшириш режасини баърақат уладалди. Хўжаликнинг замонавий техника билан етарли даражада таъминланганлиги юмушларни осон хал этишга ёрдам бераётди. Айни пайтда хўжалик далаларида пахталар қийғос очилган. Дала меҳнаткаш-

Замондошларимиз

— Инсон ҳар қанча моддий бойликка эришмасин, агар унинг тағ-замини маънавиятга боғланмас экан, таназзулга учирайди, — дейди яна Раҳимжон ака. — Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи, фақат бир-биримизга бўлган меҳр абадийдир. Оч қолган кишини қорнини тўйдириб бўлмайди, лекин меҳр кўрғазиб ҳаммининг ҳам қўлидан келармайди.

Фирма қошидаги бой кутубхонадан унумли фойдаланилмоқда. Ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар, футбол фахрийлари бу ерга таширф буюришиб, мароқли учрашувлар ўтказишмоқда.

Ҳайратли тadbиркор Раҳимжон Умиров улкан ишларни амалга оширган бўлса-да, ўз ишидан қониқмайди, беҳаловатликни бахт деб билади. Дарҳақиқат, у ўз Ватани, юрти истиқболи учун хали жуда кўп иш қилишни кўради, деб ҳисоблайди, шу йўлда тинмай изланади.

Одил ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири

Қонундан сабоқлар

Прокуратура фаолиятини кенгроқ ёрита бошлаганимиз, ошкораликни таъминлашга ҳисса қўшаётганимиз учун миннатдорчилик билдираркан, Республика Бош прокуратураси Қонунчилик тарғиботи бўлими Светлана Ортиқова менга суҳбатда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи Б.Иноғомовнинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги фуқаролик ишларини судда кўрилишида прокурор иштирокига доир умумлашмаларини қўлимга тутди.

Бу асосан прокуратуранинг шу соҳа ходимлари учун қўлланма тарзида битилган бўлса-да, оддий газетчилик учун ҳам амалий аҳамиятга эга жиҳатлари кўп экан. Шу боис унинг айрим қисмларини сизга тақдим этишни лозим топдик.

Оталик ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум

БОЛАЛАРИНГ ҲАҚИДА ҚАЙҒУРМАСАНГ...

— халқ таълими бўлими, васийлик ва хомийлик органи ҳамда воёга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг ҳулосаси;

— Ота-онанинг ёки улардан бирининг ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка мубтало бўлганлиги ҳақида тиббий муассасанинг маълумотмаси;

— Ота-онанинг берилган тавсифнома;

— Ота-она ёки улардан бирининг бола таъминоти учун алимент тўлашдан бўйин товлаганлиги ҳақидаги суд қарори нусхаси;

— Ота-онанинг ёки улардан бирининг бола-ларининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилганлиги ҳақидаги суд ҳукми нусхаси;

— Давлат божи тўлаганлигини ҳақида чиқат. Прокурор бундан мустанос.

Бундай ишлар ФПКнинг 131-модаси 3-қисмига биноан фуқаролик иши судда қўришга тайёрлаб бўлинган қўндан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўрилиши лозим.

Судларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ишлари кўрилишида давонин ким қўзғатишдан қатъи назар, Оила кодексининг 80-моддасига асосан, прокурор, васийлик ҳамда хомийлик органи иштирок этиши шарт. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларга болалар таъминоти учун алимент ўндиришга аҳамият бериш лозим.

Ушбу иш қўрилганда болалар кимнинг қарамонда бўлиши қарақлиги масаласи судлар томонидан албатта муҳожама қилиниши лозим.

Болани ота ёки онасига берилишига имконият бўлмаганда ёки ота-онанинг бу иккаласи ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда, бола Оила кодексининг 81-моддаси 5-қисми асосида васийлик ва хомийлик органи қарамонига олиб берилиши лозим. Бу орган болани жойлаштиришнинг бирор шаклини танаблайди, яъни:

- бирор оилга фарзандликка бериши;
- васий ёки хомий белгилаши;
- тутинган оилга бериши;
- етим болалар ёки ота-оналар қарамонига маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасага жойлаштириши;
- тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасага бериши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий органи Пленумининг 1998 йил 11 сентябрда қўнндаги қарорига мувофиқ ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсларга болалари учун тўланадиган пенсия, пул ёрдами ва бошқа тўловларни, шунингдек, унинг фойдасига ўндирилган алиментларни тўлаш тўхтатилади.

Шуни унутмаслик керакки, ота-она қарамондан маҳрум бўлган бола агар фарзандликка олинган бўлмаса, қарда ярашадиган қатъи назар, турар жойга бўлган ҳуқуқини шунингдек, бола ота-она ва бошқа қариндошлари билан туғилганлик фактига асосланган барча ҳуқуқларини сақлаб қолади.

Довуд МАДИЕВ, ҳуқуқшунос

БАХТИЁРЛИК

ки, биз «Акмал»га 1998 йилдан белим хомийлик қилиб келамиз. Мақсади-миз — жамоа ўйинларини янада жонлантириб, биринчи лигада, кейинроқ эса олий лигада тўп суриши. Шунинг учун клубимизга кўпроқ маҳаллий, иқтидорли ёшларни жалб этиб, уларнинг маҳоратини оширишга ҳаракат қилгандим.

Бозор иқтисодиёти шароитида бирова хомийлик қилиш осон эмас. Айниқса, 22 нафар футболчи

равнақ топган бўларди. Эътиборлиси шундаки «Акмал» фирмаси қошида иккита фермер хўжалиги фаолият олиб бораётди. «Азизбек-Умр» фермер хўжалиги тарқатилиб юборилган «Маданият» ширкат хўжалиги ҳудудда ташкил топган бўлиб, 184 гектар ерда деҳқончилик қилмоқда. «Шоҳруҳбек — Умр» эса собиқ Гулистон ширкати ҳудудда тендер асосида тузилган. Иккала фермер хўжалиги учун ҳам алоҳида замонавий

нинг ижтимоий муҳофазасига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди. Улар учун барча қўлайликлар муҳайё. Хар кунги бепул иссиқ овқат, сўт-қатиқ берилмоқда.

— Хомийлар кўмағига эътиёж сезадиغانлар учун доим бағримиз очик, — дейди бош раҳбар. — Саховатпешалик ота-боболаримиздан қолган эзгу фазилатлардан. Шу босишдан тумандаги 78-мактаб-интернат тарбияланувчиларининг суннат тўйларини ўтказишга бош-

ГЕОЛОГЛАР ЗАҲМАТИ

Республикамизнинг жанубий сарҳадларида илмий ва геологик изланишлар олиб бораётган Шаҳрисабз шаҳридаги «Қашқадарёгеология қидирув экспедицияси» қорхонаси келаси йил ўзининг 55 йиллигини нишонлайди.

— Утган давр мобайнида геологларимиз томонидан Хисор ва Олой тўғрисидаги геологик изланишлар олиб бораётган Шаҳрисабз шаҳридаги «Қашқадарёгеология қидирув экспедицияси» қорхонаси келаси йил ўзининг 55 йиллигини нишонлайди.

— Утган давр мобайнида геологларимиз томонидан Хисор ва Олой тўғрисидаги геологик изланишлар олиб бораётган Шаҳрисабз шаҳридаги «Қашқадарёгеология қидирув экспедицияси» қорхонаси келаси йил ўзининг 55 йиллигини нишонлайди.

Хозирда геологлар томонидан Лолабулоқ, Чоштепа, Окбой-Жума, Кенглик конларидан рангли металл захираларини аниқлаш бўйича изланишлар давом этмоқда.

Суратда: геологлар Муҳаммад Хуррамов, Анвар Норбоев ва Муродулла Ражабов.

Т.НОРКУЛОВ (Ўза) олган суратлар

Қарор ижроси билан кучли

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006 — 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу соҳанинг истиқболини белгилаб берди. Бу муҳим ҳужжат бевосита аҳолини иш билан таъминлаш, ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли хизмат турлари билан тўлдирришга қаратилган.

Утмишда «Илму адаб куббаси» деб ном олган Шаҳрисабз, 2700 йиллик юбилейини нишонлайдиган қадимий Насаф, тоғлар бағрида жойлашган Яқабоб ва Китоб, тупроқлар қаринда қўнча қалъа қолдиқлари пинҳон ётган Занжирсарой, ўнлаб сардобалар жойлашган Қарши дашти кенгликлари ҳар бир қишида катта қизиқчи уйғотади.

Воҳада 894 та маданий мерос иншоотлари рўйхатга олинган бўлса, улардан Оксарой, Дорус Саодат, Дорут Тиловат, шаҳар мудоффа девори, Ерқўрғон, Сағиртепа, Узунқир, Подаёқтепа, Қаландартепа, Китоб қалъаси девори каби ўнлаб ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг «Умуминсоний қадриятлар» рўйхатига киритилган. Хисоб-китобларга қараганда, мустақиллик йилларида Қашқадарёга келиб кетувчи сайёҳлар сони эллик фозизга кўпайган.

ЭҲТИЁЖ ВА ИМКОНИЯТ

ундан Қашқадарёда қандай фойдаланилапти?

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юксалтириш касбаба уюшма ташкилотларининг эътиборида турибди. Касбаба уюшма ташкилотлари вилоят бирлашмаси, хотин-қизлар қўмитаси, савдо-саноат палатаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш божқармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамағатмаси бўлинмаларининг ҳамкорлиқида ишлари талаблар даражасида эмалик яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган йилгилишда танқид қилинди ва вази-фалар белгилаб олинди.

Бир вақтлар туман марказлари ва хўжаликларда қўшқаватли маиший хизмат уйлари бўлиб, уларнинг тасарруфида сартарошлик, суратхона, бичиш-тикиш ва кийимларни кимёвий тозалаш цехлари, пойфазал устоналарини мавжуд эди. Эътиборсизлик туфайли кейинги йилларда уларнинг аксарияти ёпилиб кетди. Хусусийлаштирилгани эса савдо дўконларига айлантирилди. Хозир қишлоқларда совутич, электр асбоблари, телевизор ва магнитофон тузатадиган устоналарни топиш қийин.

Хизмат кўрсатиш қишлоқ жойларида ўз холига ташлаб қўйилган. Масалан, кейинги 4-5 йил давомида туманларда, қолаверса Қарши шаҳрида аҳоли учун умумфойдаланиладиган ҳаммомлар қурилмаган. Миришкор туманида 14 та, Қосонда 12 та, Қасбида 8 та ҳаммом-

нинг номи бору, ўзи йўқ. Вилоятдаги 108 та ҳаммомдан 86 тасининг ишлаши-шамаслигини ҳеч ким билмайди.

Статистика божқармасидан олинган маълумотларга қўра, воҳада 6911 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд бўлиб, улардан атиги 15 таси буюмларни кимёвий усудда тозалаш ахтисослашган. Хусусийлаштирилган кимёвий тозалаш шохобчаларининг кўпчилиги ишламайди. Вилоятнинг Деҳқонбод, Нишон, Муборак, Миришкор каби туманларида бу борада хизмат талабга жавоб бермайди.

Қишлоқ ва маҳаллалардаги сартарошхоналарнинг санитария-гигиена ҳолати қониқарсиз. Автомобилларни ювиш шохобчаларида ичимлик суви исроф қилинмоқда.

Масаланинг яна бир томони. Нодавлат сектори қорхоналарида ишлаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий-иқтисодий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш эътиборидан четда қолмоқда. Кичик биз-

нес, хусусий тadbиркорлик жамоалари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида иш бериувчилар билан ёлланма ишчилар ўртасида меҳнат шартномаларини расмийлаштириш, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси ишларига панжа орасидан қаралапти.

Қарши шаҳрида фаолият юритаётган «Cotton - ROAD», «Cuzor - Flour», «Маймакон АС-Чейс», «Дониш-сервис-имплекс» қўшма қорхоналарида 40 тадан 160 тагача ишчи бўлишига қарамай, хозиргача жамоа шартномалари тузилмаган. Ходимларнинг кўпчилигини ёшлар, хотин-қизлар ташкил этувчи «Cotton-ROAD» Ўзбек-Турк-Америка қўшма қорхонасида икки йилдан бери жамоа шартномаси қабул қилинмасдан келинапти. Оқибатда ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ имтиёз ва кафолатлар, меҳнат муҳофазаси ва соғломлаштириш каби ҳаётий масалалар билан ҳеч ким шуғулланмапти.

Вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юксалтириш учун етарли имкониятлар бор. Фақат маъсулият билан иш тутилса, аҳолининг кундалик турмуш тарзини яхшилашга жиддий таъсир кўрсатадиган ушбу тармок изчил ривожланади.

Изаат ХИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири

ерда ўзаро жанжаллашиб юрган ёшлар келишмовчи қолган бирор бир оила аъзоларини учратиб қолса, қизининг энасиси қотиб, дарҳол кўксига туф-туфлаб қоларди. «Етавба, бўлар-бўлмас гапга ҳам уришаверишаркан-да. Гап-сузларни олдиндан олиб, ортга ташлаб кетаверишса-чи? Бахтим очилса, бирор марта ҳам ўз жуфти билан сиз озғимиз сенга бормайди!»

Бирок кўп майда-чуйда гапларга бир қаққос кулгу

бири-бириндан ширин икки нафар қўзғунчоқдек ўғил дунёга келди. Ҳаттоки, топиб-тутушиб, гузар четидан янги уй-жой ҳам қуриб, кўчиб чиқиди. Янги уйда бирин-кетин камлар битаверарди-ку, бирок меҳр-муруват улашувчи фаришталар бу остона асло ўзларига манзилмак қонунга тўтима эдилар. Нега деганда, совуқ сувга қўл урмаздан бекор юришга ўрганган тақассаллар эр янги оила бўлиб ажралиб чиқишган, рўзгор ташвиши хусусида

Хўрлашлар бориб-бориб одатий ҳолига айланди. Буларга ҳам бардош бериш мумкин. Аммо Муродилланнинг ёнма-ён яшаб туриб кек сақлаши, адоват билан иш тутуши, ҳатто нотўғри айтилган бир оғиз гап учун ҳам ўч олиши Нозгулни кўндан-кўнга доводиратиб қўётган эди. Дард устига, чипқон деганларидек, эрининг бўлар-бўлмаси рашқ қилиши ортиқча эди. Очиги, Муродилланнинг сўнги тазийқлари рашқ ниқоби остидаги зугумларини

ялинди, бечора. Мен гувроқ бўлсам...

Устихонни кемирувчи алам-ли эди бу нидолар. Бу армонга айлиб қолганидан бирор хафта бурун Таштемир аканинг турмуш ўртоғи, қизимнинг олисига мадад бўлсин дея, икки қўлида полистилен турушчаларда озиқ-овқат қўтариб, уларнинг ёнига жўнади. Жаҳддор кўёви уйда экан, ҳе йўқ, бе йўқ, кўзларига тикилиб «Ха, яна қўзингизга гап ўргатгани келдиганми? Қани бering, қорангизни ўчиринг-чи энди» дедя остонадан изига ҳайдаб солди. Юкли турвачаларини эса унинг изидан кўчага улоқтирди. Ҳамиятларига қанчалик тегмасин, қўда-андалар ломмин демасдан, бора-бора ўзларини бу оиладан торта бошлашди.

умидвор йўл қараб ўтирди. Ширақойф Муродилла дўқ-пўписасини кўтариб икки хуф-тонда кириб келган эди. Шунда аёлининг жан чакаги очилди:

— Бундоқ сиз ҳам ота бўлиб, вақтлорқ келсангиз нима қиларди! Ахир бугун Дирёбкенинг туғилган куну. Бир менга керакми шу зорманда рўзгор.

Бироз ҳовуридан тушиб, ярим ёзиқ дастурхон ёнига қўнган Муродилла қўш қосада келтирилган шўрванга қўриши билан яна тутқаби кетди. Қошиқ билан овқат малсаллигини қўқуба кўриб хотинига ҳезланди.

— Гуштни қайси эринг келтирди! Ёки яна оланга кўз ёш қилгандирсан! Кўёвингиз ундай, кўёвингиз бундай, дегансан-а, шундай-ми?!

— Ота-онамга тил теккизмам. Мени улардан тириклайин айирдингиз. Бирорта ҳам киши бизни сўраб келмайди. Шу гўдақлар бўлмаса, зиндон уйингизда бир соат ҳам турмаган бўлардим, билдингизми?!

— Кетсанг, катта кўча! Лекин ота-онанг келса, уларни ҳам, сени ҳам ўлдирарман...

— Майли, хозир ҳам ўлгангизнинг кундан яшапмиз. Қўлингиздан келса ўлдирса қолинг.

Туғилган кун таомни қосаларда совуди. Бигиллаб йиғлаётган гўдакча кўрақ тутаятган жувон аччиқ қўз ёшлари билан яна нола қилди:

— Бу кунимдан ўлганим

яшли! Ордона ҳовлида ёлғиз қолгандан қўра, гўрда ёлғиз ётганидан афрал. Сиз — хона шер, майдон — гариб одамлардан экансиз. Эрталаб кетсам, қайтиб боларларингизни ҳам, мени ҳам кўрмайсиз.

— Кетсан! Аммо тириклайин эмас! Болаларинг билан сени қўшмозор қиламан, ман-жалай!

Ади-бади айтишувлар чоғида юз пардалари олиб ташланган эди. Жаҳл келса, ақл кетадиган эр қалбида эса адоват ўти тун бўйи қайта ёлқин-лашиб, озага чиқди.

Минг бир машаққатлар билан яна тонг ёришди. Бешикда бигиллаб йиғлаётган бола ҳам қаҳрини юмшатмаган ота бошини кўрпадан чиқариб, ярим юмюк кўз билан хотинига ўшқирди.

— Учир овозингни, бўлмаса ўзим ўчирарман.

Шу тобда Нозгул чиндан ҳам болаларига тегизиши лашулар ва кийимчаларини тергилаб халтага солаётган эди. «Хозир ўчирарман. Аввалти хотинингиз бекорга ажралиб кетмаган экан!»

Нозгул армонли ёшларини тўкиб, бешик ёнига келди. Ёнига йўрақ тўшамчаларини ёйиб, сўнгра болани ечиб олмоқчи эди. Муродилла ўрнидан турса, ҳолат анча бўлган. Шунда жум кўн билан аёли тепасига келди.

— Гўргам кетмайсан!

— Кетаман. Бу хонадонни энди ёлқининг чўқури кўрсин!

— Кетиб ҳам кўр-чи, уйдан ўлингиз чиқайди. Сен ҳали

мени билмас экансан. Нозгул шашлидан қайтмади. Эри ҳам ҳаமிпти қўзиб, паст кетишни сира истамасди. Унинг юзига шашалоқ туширди.

— Кетсанг, жонингдан умидингни узи!

Аёл йиғлади ва яна бешикка талпинишини қўймади. «Мен сизни урломайман. Аммо Худого топирадим. Шулари тирноғига зор бўлинг!»

Шу тобда эркакнинг миясига илк бора келган шумлик қайта аланга олди. Бир зарб билан хотинини уриб ерга қулатган, дастлаб оёқларини, кейин иккала қўлини бир-биринга кўртутун қилиб боғлади. Яна бир чилвир билан ҳали ширин уйқуда бўлган катта ўғлини ҳам қўрпадан устида тушоғга тортиди. «Кетсанг, кетсанг-а?»

— Мени болаб тўхтатолмайсиз! Садақа ота кетинг.

Бу қатъиятли сўзлар эр қаҳрини янада ошириб юборди. У жаҳл отига миниб, ошқона томонга ўтди. Ўша ерда соғиш учун бевезин ёқилгиси тўлатиб қўйилган бир неча баклажга идишларни олиб изига қайтди. Кейин уларни бир-бир очиб, аввал бешикка, сўнгра катта ўғли ва тушақларга ва кўп қисмини хотинининг устига қўйиб чиқди. Сўнгра ўз қўли билан хона эшигини қўқуба, биринчи дўч келган машинага ўтириб жўнаб кетди.

Суд очерки

гиланганди. Туман прокурори ва туман ИИБ бошлиғи биргаликда унда иштирок этиш учун отланишар экан, вақтинча тўлғинлик камерасида сақланаётган гунодор Муродилла Армоновдан (исми, шарифи шартли равишда ўзгартрилди) сурашди:

— Балки дўлбандларингиз қабрга ўз қўлингиз билан қўймоқчиқидирсан? Бунга ҳақинг бор.

Ота бошига совуқ сув қўйгандек, ҳар сесакни тўздим. Кейин ёш сизикқан ваэмин ниғоҳларини ерга қардади.

— Йўқ, бунга лойик эмасман.

АЧЧИҚ ҚИСМАТИ

билан ўтинлик келтирувчи бу шаддод қиз қисмат аталмиш умр чекинчилари ҳам мавжуд эканлигини ўшанда қаердан биларди?..

Орадан кўп вақт ўтмай Нозгул келинчаллик даврини қарши олди. Қисмат уни билмаган ва кўрмаган кишиси билан бахт сўқўқларидан учраштиради. Муродилла турма нўқсонли, боз устига бир марта хотин олиб, хотин қўйган ҳам эди. Бунини эшитиб, анча вақт ич-этини уй кемириб юрган қиз ахирий тақдирга тан берди. Янги оилга тез орада мослашиб, жон-жаҳди билан рўзгор кам-кўстларини бутлашга киришиб кетди. Паст-баланд ҳаёт йўларида шу зайл

мутлақо ўйламай қўйди. Аёли уч, мой ёки бўлмаса 3-4 дона картошка, пивёзсиз уйда бир ёвгон иссиқ қилиб болаларига туттишга интиқ. Кўча-қўйда таралло қилиб, ичиб-тўйиб юрадиган Муродилла эса бу ҳақда эшитса, энасиси қотиб қоладиганлар хилдан эди.

Аёлига паст назарда қараб, уни камситар, устига устак рўзгорнинг оғир юкини бир оғизга елкасига ташлаб қўйди. Гоҳида чой-нон-сиз, қатто тоза ичимлик сув-висиз ҳолган келарди бўлди. Икки ёнига икки боласини олиб хомуш ўтирган она эрининг ширақойф эшик қоқиб келишидан безиб, ҳадиксираб турарди.

дан бошқа гап эмасди. Оқибатда чорасиз ва ҳимоясиз қолаётган жувон болаларини кўтариб, ота-онанинг хонадонига кетиб қолдиган бўлди. Ўша ҳаёт аталмиш мантқиқсиз дамларни эслаб, марҳума Нозгулнинг отаси Таштемир ака Улуғов шундай дейди:

«Қизим бир неча бор турмуш ўртоғининг хўрлашидан қийналиб кетганлигини айтиб, биздан паноҳ излаб келди. Панд-насихат қилиб, гоҳ хотиним, гоҳ синглим, гоҳ ўғил-қизларим орқали озиқ-овқатлар билан қўйиб келардим. Қўшининг ҳам уиси бузилмасин дедирдик-да, ахир. Сўнгра бор қайтиб келганида қизим: «Жон дадажон, шу уйда қайим қолдикан», дея роса

Боборавшан БОЙМУРОДОВ, Каттақўрғон туман прокурорининг катта ёрдамчиси Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ишонч» мухбири

Яқин-яқингача сурхондарёликлар Тошкент, Самарканд, Бухоро сингари шаҳарлардаги барча қўлайликларга эга бўлган ва етук спортчилар тайёрланди. Бугун уларда ҳам шундай имконият бор. Термиз шаҳрида 2004 йили бўлиб ўтган Олимпия заҳиралари коллежидан бугун ҳамма нарса муайян.

Шунинг учун ушбу ўқув даргоҳида тахсил олишга иштиёқдорлар сафи ортиб бормоқда. Бундан буён колледжга мингга яқин абитуриент хужжат топширганидан ҳам билса бўлади.

— Тан олиш керакки, бугунги кунда Сурхондарёдаги барча мактабларда, хусусан кишлоқ мактабларида жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мураббийлари етishмайди, — дейди биз билан суҳбатда билим юрти директори Зиё Жумаев. — Коллежмииз ана шу бўшлиқни тўлдирishга хизмат қилади. Чунки бу ерда спорт йўналишида малакали мураббий-ўқитувчилар тайёрланади.

— Колледжда ёшларга асосан спортнинг қайси турлари ўргатилади?

— Ёшларимизнинг қобилияти, имконияти, қизиқиши ва салохиятига қараб яқин кураш турлари (самбо, эркин кураш, дзю-до, бокс, өнгил атлетика, оғир атлетика), спорт турлари (теннис, баскетбол, футбол, қўл

Кўнгила Кўзи Ҳамиша Очиқ

раши) ўргатилади ва шу соҳалар бўйича етук мутахассислар тайёрланади.

— Ҳар қалай коллеж янги очилган. Талабаларга спортнинг у ёки бу тури сир-асорларини ўргатадиган мутахассислар етарлими?

— Ўқув даргоҳимиз фаолиятини бошлаганда вилоятдаги ўқув юртиларидан узоқ вақт ишлаган ҳамда турфа спорт ташкилотларида меҳнат қилиб келган мутахассисларни жалб қилган эдик. Эндликда ўқув даргоҳимизда ишлашга талабдор бўлган му-

тахассислар сони анча кўпайди. Шунинг учун ўқув йили бошланмасдан олдин улар ўртасида танлов ўтказдик. Талабга жавоб берадиган ёшлар билан ишлаш қобилиятига эга малакали мутахассислар саралаб олинди. Билим даргоҳимизда етук мутахассислар қанча кўп тўпланса,

спорт тури бўйича заллар барпо этилган. Кичик стадион қурилиб, ишга туширилди. Келгусида катта стадион қураимиз. Сузиш ҳаваси ишга тушиди. 100 ўринли ётоқхона мавжуд.

— Кези келганда, бошланғич касабга уюшма кўмитасининг ўрни ва

роли ҳақида фикр билдирсангиз.

— Таъкидлаш жоизки, ижтимоий шерикчилик тамойилларини такомиллаштириш, меҳнат қишининг иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муҳофазасини кўнатириш борасида самарали фаолият олиб борилмоқда. Бинобарин, ҳар қандай шартнома фахат ижроси билан қўйилди. Иш ҳақини ҳар ойнинг бешинчи иш кунинда тўлашга эришиб келаямиз. Бошланғич ташкилотимиз қарори билан байрамларда фаол ўқитувчиларимиз моддий жиҳатдан рағбатлантирилмоқ-

да. Хатто, талабаларга даввогар абитуриентлар ўртасида тест синовларидан олдин саралаш имтиҳонлари ҳам касабга уюшма кўмитамиз раҳбарлигида ўтказилади. Бундан мақсад, баъзи бола билдирган бўлса-да, лекин жисмоний жиҳатдан бироз нимжон бўлиши мумкин. Айримлари фан сирларини пухта ўзлаштиришга бироз қийнаса-да, аммо жисмоний бақувват ва чиниккан бўлади. Бу ҳақда коллеж дирекциясига хабар қилиниб, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Эртанги кунга ишонч бўлган жойдагина ишда унум бўлади. Максимумимиз — спортга мойиллиги бор, соҳани жону дилидан яхши кўрадиган ёшларни етук мутахассис қилиб тарбиялаш. Вақти келиб, бу ерда воғга етган мураббий-ўқитувчилар ва жисмоний тарбия ўқитувчилари спортни оммавийлаштирибгина қолмай, жаҳон ареналарида ватанимиз шарафини ҳимоя қила олади қўллаб иқтидорли ёшларни тарбиялаб воғга етказадилар.

Суҳбатдош:
Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ишонч» муҳбири

Оққан дарё...

Барча соҳалардаги ахборотлашув ва компьютерлашув дунёнинг глобаллашув жараёнини белгилаб бормоқда. Бунинг боиси умумбаршарий таракқиётда ахборотнинг ўрни беқийс даражада ошиши ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи қучиға айлинишидир.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси фаолиятида бу йўналиш кенг ўрин эгалламоқда. Жамғарманнинг 2005-2006 йилги гранти

синфлар бошланғич, 8-10 юкори ҳамда 11-12 эса битирувчи синф ҳисобланар экан. Дарслар эрталаб соат 7:00 дан 18:00 гача давом этади. Ўқувчилар мактабга келиш ва кетиш вақтида тиббий кўриқдан ўтказилади. Бу ердаги барча мактабларни

керак. Бу олийгоҳда гуманитар йўналишларда 3 йил, табиий ва муҳандислик йўналишларида 4 йил давомида ўқутилади.

Ўқув муассасаларида дарслар асосан инглиз тилида олиб борилади. Лекин оила ва ўзаро муло-

ҲИНДИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

соҳиб сифатида бир гуруҳ совриндорлар билан Хиндистоннинг Нью Дехли шаҳридаги CMC LTD компаниясида ахборот технологиялари бўйича малака ошириб қайтдик. Сафаримиз таассуротларга бой бўлди.

Доктор Сачин Кумар интерфаол, гуруҳли ўқитиш усулларини қўллаб, машғулотларни самарали олиб борди. Чунки кунига 7-8 соат ўқитиш натижасида ҳам ўқитувчи, ҳам тинловчиларда толиқиш пайдо бўлиши табиий. Юкоридаги усуллар эса аудиторияни фаоллаштиришга, ўзлаштириб олганларнинг бошқаларга ёрдам беришига ва юкори ишчанлик руҳини таъминлашга туртки бўлди. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, ўтилади-ган курслар бўйича сифатли ўқув қўлланмалари чоп этилиб, тинловчиларга тақдим қилинди. Машғулотни ҳамма бирдек тушуниб етмагунча, бошқа мавзуга ўтилмаслиги, айниқса, менга ёқди. Дарс ўтиш давомида ҳар бир тинловчига индивидуал ёндошиш, рағбатлантириш, кўргазмали тамойилларидан кенг фойдаланилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин.

Ўқиш билан бир қаторда, у ердаги таълим муассасаларига ташриф буюрдик. Summral Jain Public School хусусий мактабиде бўлиб, ундаги ўқув шароити ва дарсликлар билан танишдик. Мактаб директори доктор Г.Р. Канвал ва бошқа ходимлар бизни илқ қўтиб олишди. У ерда 1-7

ахборот технологияларига ихтисослашган дейиш мумкин. Чунки бошланғич синфдан бошлаб компьютер оид фанлар ўтилади. Энг диққатга сазовор жойи шундаки, ахборот технологияларининг ривожланишида муҳим омил ҳисобланган математика фанини, хусусан, дискрет математика, компьютер фанларининг математик асослари каби дарсларни ўқитишга катта эътибор берилади. Чунки бироз соҳа масалаларини компьютер ёрдамида ҳал қилиш учун, энг аввало, унинг математик моделини тузиш зарур бўлади. Мантиқ алгебрасини яхши билган мутахассисгина яхши дастурчи бўлиши мумкин экан.

Жаҳоқарлавл Неру номидаги университетга ташрифимиз ҳам тажриба алмашиш учун жуда фойдали кенди. У 1970 йилларнинг бошида ташкил топган бўлиб, жами 9 та факультет 4 та ихтисослашган марказ бор. Бу факультетларда 5000 атрофида талабалар таълим олишмоқда. Хорижий давлатлардан келиб тахсил оладиган талабалар сони 10 фоизни ташкил этади. Ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги нисбат 1:10 га тенг. Университетда асосан кундузги бўлимлар мавжуд ва бундан ташқари, масофавий таълим ҳам яхши йўлга қўйилган. Университетга ўқишга кириш учун ҳар бир шахс 10 йил умумий таълим, 2 йил касбага йўналтирилган мактабда билим олиши ва 3 йил коллежда бакалавриятни ўқиб битирган бўлиши

котларда улар хинд тилида гаплашишади. Кези келганда айтиш мумкинки, ўз миллий кадрларини саклаб қолганлиги ва уларга қатъий риоя қилиши хинд биродарларимизга бўлган ҳурматимизни янада оширди. Қандай вазиятда, қаерда бўлмасин миллий кийимда кўрдик уларни. Кийиниш борасида бошқа халқларга тақдир қилишмайди, ўзлари ишлаб чиқарган табиий матолардан фойдаланишади.

Дарвоқе, Хиндистонда СМСнинг 18 та офиси мавжуд бўлиб, унда 760 та software, 800 та hardware муҳандислари ишлайди. Улар дунёнинг қўпгина мамлакатларидан миждозларнинг талаблари асосида турли хил соҳаларда ўқитишни амалга оширмоқда. СМС Лимитед компьютер хизматларининг кенг соҳаларини қамраб олган. СМС ахборот технологиялари бўйича яратилган турли хил лойиҳалар бутун дунёда қўлланилиб келмоқда. Улар жумласига Хиндистон темир йўли, учун йўловчиларга хизмат тизими, Европанинг турли портлари учун кема қатнови тизими, Бхилаи шаҳридаги пўлат ишлаб чиқариш заводи учун транспорт бошқаруви тизими ҳамда Лондон метроси учун катнов жадвали тизими кирди.

М.МИХРИДИНОВА,
Тошкент Давлат
Ахборот технологиялари
университети
ўқитувчиси

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Ромитан туманидаги Кўрган кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли АТФОР, Бахтиёрча, Янги ҳаёт ва Миёсарой кишлоқларида истиқомат қилувчи тўрт минг нафардан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш яқин ойларгача талаб даражасида эмасди.

САҲОВАТЛИ ФЕРМЕРЛАР

Шунинг учун ҳудудда яшовчи ўнлаб фермерлар ташаббус кўрсатиб, АТФОР кишлоқ амбулаториясини таъмирлашга киришдилар. Ҳамжиҳатликда бошланган савоб иш тез орада ўз самарасини берди. 2 қаватли бинонинг ички ва ташқи қиёфаси кескин ўзгарди. Эшик, деразалар, пол, ёритиш тизимлари янгиланди. Иссиқ ва совуқ сув қувурлари тортилди. Бошқача айтганда, «Саломатлик-2» лойиҳаси дастури талабларига мос юмушлар амалга оширилди.

— Кўпчилик билрлаша ҳар қандай муаммонинг бар тараф этилиши мумкинлиги ўз исботини топди, — дейди кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Муҳиддин Восиев. — Ҳомийлик ёрдами кўрсатган Бозор Раҳимов, Бекмурод Йўлдошев, Махмуд Восиев, Зафар Асадов ва бошқа саховатли фермерларимизга чексиз миннатдорчилик билдираимиз. Ишончим комилки, мулкдорларимиз кишлоқ жойларида аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш учун бошлаган саёй-ҳаракатларини яна давом эттирадилар.

Дарҳақиқат, туманда Ҳомийлар ва шифокорлар йилида кишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишга бўлган эътибор кучайди. Мавжуд 28 та тиббиёт масканининг 12 таси кейинги икки йилда тўздан янгиланди. Айни пайтда Ҳафизрабоб, Қаҳрамон, Ҳазорат, Қалайчорбоб кишлоқларидаги ана шундай биноларда қурилиш, ободонлаштириш ишлари қизгин давом эттирилмоқда.

Шунингдек, ушбу амбулаторияларнинг барчаси ноябр ойигача «Саломатлик-2» лойиҳаси дастури асосида таъмирланди. Жаҳон Тараққиёт банки кредити эвазига замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу эса кишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада оширади.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ,
«Ишонч» муҳбири

МАҲАЛЛАМИЗГА ҲОМИЙ КЕРАК

«Гузар» номи маҳалла Тошкент шаҳрининг Уч-тепа тумани ҳудудида жойлашган. Бу ерда Олий-гоҳ, қўллаб-қўллон, дорихона, маъий хизмат шохобчалари фаолият кўрсатади. 27 та кўпқаватли йўли бўлиб, 7 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда «Дола» номи 436-мактабга таълим муассасаси фаолият юритиб, унда маҳалла аҳлининг фарзандлари тарбияланади.

Жорий йилда 1733 та хонадон кириш йўлакларини таъмирланди. 9 та уй атрофи асфальтлашиб, кўчалар тартибга келтирилди. Айни пайтда маҳалладаги дархатларни оқлаб, ариқ йўллари очилиб, уйлар атрофида тозалаш ишлари олиб борилаётди. Болаларнинг уйнаши учун 5 та спорт майдончаси ташкил қилинган. Бундан ташқари, уйларнинг иситиш тизими тозаланиб, киши-ки масвумга тайёргарлик ишлари кетмоқда.

Шунга қарамай, ҳудудда қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Масалан, қўқалмазорлаштириш ҳамда аҳоли шахсий томоркасини сугоришда муаммоларга дуч келинмоқда. Ирригация тизими талабга жавоб беримаганлиги сабабли,

Умида Абдуллаева,
Учтепа туманидаги
«Гузар» маҳалла
йиғини раисининг
маслаҳатчиси

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Кўкон кўз касалликлари шифохонаси шифокорлари аҳоли саломатлигини тиклаш, кўз касалликларини олдини олиш борасида кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда.

Бу ердаги 27 нафар малакали врач ва 62 нафар ўрта тиббиёт ходимлари беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. 65 ўринга эга бўлган шифохонада беморларни даволаш, мураккаб жарроҳлик амалиётларини амалга ошириш, кўнгили дам олишлари билан боғлиқ барча шароитлар яратилган.

Айни кунда шифохонадаги марказий стерилизация хонаси замонавий андозаларда таъмирланиб, зарур тиббиёт жиҳозлари билан таъминланди.

Суратда: шифокор Маъмура Қосимова

Ш.ОЛИМОВ
(УзА) олган сурат



Маълумки, йод моддаси қалқонсимон безнинг меърида нилаши учун зарур бўладиган моддасир. Борди-ю, у кунига тананимизга керакли микдорда тушимаса, қалқонсимон без фаолияти уздан чикади ва бўқоқ касаллиги пайдо бўлади. Уш, йод етишмовчилиги сабаби нимада?

«Тупроқ ва сув таркибиде йод микдорининг камлиги, ишқозон-ичак хасталиклари туфайли йод моддасининг етарлича сўрилмаслиги, қаттиқ руҳий изтиробга тушиш ва марказий асаб тизимидаги ўзгаришлар бўқонкилигига юзага келишига имкон яратади», дейишмоқда шифокор олимлар. Уларнинг таъкидлашича, болаларда бўқоқ кўпгина жараёнлар (яъни, йодлоқлик, бўй ўсмаслиги, зехн ва ҳаракатнинг бузилиши, атрофга лоқайдлик, жаҳлдорлик, юрак хасталиги, тана суякларининг мўрлашиши) билан бирга кечса, катталарда эса уйқучанлик, нафас қишини, соч туқилиши, дармонсизлик, овоз бўғилиши, ақлий заифлик, бөлүшлик, қалқонсимон без катталашини сингари ҳолатлар навоён бўлади. Бу касалликдан сақланиш чораларидан бири овқатга йодланган туз ишлашдир. Шунингдек, таркибиде йод моддаси кўп бўлган маҳсулотлар, яъни олма, хурмо, картошка, сабзи, ёнғоқ, тухум, балиқ (сазан), нўхат, ловия, ҳамда мол, гўштини тез-тез истеъмол қилиб туриш зарур эканлигини мутахассислар алоҳида уқтиришмоқда.

Демак, бўқоқ кўпчилик уйлаганидек оддий хасталик эмас. Аслида унинг тарихи жуда узоқ ўтмишга бориб тақаларкан. Бу ҳақда тиббиёт фанлари доктори, олий тоифали жарроҳ Шухрат АБДУРАХ

МОНОВ шундай дейди:

— Тарихий маълумотларга кўра, биринчи марта бўқонки кесиб олиб ташлаш амалиётини IX асрда бажаришган экан. XVIII асрнинг охиригача ҳам бўқонки келтириб чиқарувчи омиллар аниқ бўлмаганлиги сабабли, у аҳолига турлича талқинларда тушунтирилган. Унга Худо томонидан гуноҳкор бандаларга юборилган «жазо» деб

АҚАГА «ҲУЖУМ» ҚИЛУВЧИ ХАСТАЛИК

ҳам қаралган. Россияда эса XIX аср бошларигача бўқоқ юкумли касаллик саналган. 1811 йилда врачлар — Праве ва Шадтон томонидан организмга йод моддаси етишмаслиги натижасида бўқоқ келиб чиқши аниқланганидан сўнг қарийб юз йиллар ўтиб, XX аср бошларида рус олим академик Вернадский ташқи муҳитда йод моддаси етишмаган ҳудудларда бўқонкининг кўп учрашини исботлаб берди. Марказий Осиё давлатлари ичиде Узбекистон ҳам эндемик бўқоқ кўнчаган ҳудудлар қаторига кирган. 1930 йилларда Қўкон шаҳри атрофидаги кишлоқлардан бирида эр билан хотин 20 йилдан ортиқроқ бирга яшаб, бир нечта фарзандлик бўлишса-да, бўқоқларининг катталиги туфайли бир-бирининг юзини аниқ кўролмаган эканлар. Далиларга кўра, дунёда энг катта деб топилган бўқоқ (беш

килограмм вазнга эга) Қўкон шаҳар шифохонасида Ойбинбулоқ кишлоғида яшовчи 45 ёшли аёлдан жарроҳлик йўли билан олиб ташланган. Уша йилларда бўқоқ жуда кўп ураганлиги боис, маҳаллий аҳоли уни касаллик деб эмас, балки қиз-жувонларнинг чиройини ва қад-қоматини белгилаб турувчи омил деб билганлар. Масалан, 30-йилларда қизларни барвақт турмушга узатишгани сабабли ёш қизни кўриб келган соғчилар бўлгуси кўвга «бўқонининг катталиги ҳам олмадакина экан», ўзига жуда

истеъмол қилиш, айниқса, ош тузининг йодланганига алоҳида аҳамият бериш керак. Дон, ёрма, балиқ, гўшт, денгиз қаррамини, шафтоли, қизил лавлаги, равоч, исмамоқ сингарилир йодга жуда бой. Масалан, ёнғоқда 250 мкг, хурмода 380 мкг, гача йод мавжуд. Улардан тайёрланган мурабболарда ҳам йод мўл-қўл бўлади. Мутахассисларимиздан бири хурмодан мураббо тайёрлаш технологиясини ишлаб чиққан. Яъни, хурмо мевалари яхшилаб ювилгач, майда тозиланади, 50 фоизли қиём (0,5 кг шакарнинг 0,5 л сувдаги эритмасини) 1-2 нисбатда олиб эмалли идишга солинади. 5-8 дақиқа қайнаб чиққач, шакарнинг меваси сингиши учун 4-6 соатга оловдан олиб қўйилади. Мевалар совли ёрдамида бошқа ёрдамида қиёмни қайнатилади. Шу тарзда учинчи бора қайнатишда мураббо томичиси ликобчага солинади, ёйлиб кетмаса, демак, тайёр бўлган. Беш грамм лимон кислотаси солиб юборишни унутманг. Бу мураббода йод моддаси кўп бўлиб, уни киш бўйи дори-дармон ўрнига истеъмол этиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айни куз ва баҳор ойларида бўқоқ хасталиги ўзайиши мумкин. Худди шу ойларида бемор махсус муолажалар олиб турса, ортиқча ташвишга ўрин қолмайди. Шунингдек, бўқоқ хасталигига учраганлар офтоб тигида кўп юрмасликларни зарур. Ортиқча гам-алам, газаб, тушқунлик, руҳий изтиробдан ўзини сақлаган бемор тузалиш сари муҳим қадамни қўйган ҳисобланади.

Г. ЖАМИЛОВА

Саломатлик ҳақида

«KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йил 12, 19, 26 октябр кунлари соат 11.00, да Республика Кўчмас мулк биржасининг биносиде, объектининг бошланғич баҳоси қадам бақадам ошиши тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар Уста Ширин кўчаси 116 уйда жойлашган Тошкент «Комп-рессор» заводи ОАЖ тугатиш комиссиясига қаршли металл асбоблар қуядиган цех асбоб-ускуналари билан қўйилади.

Бошланғич баҳоси — 62 220 600 сўм.

Аукцион савдоси бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида катнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдориде зақалат пули тўлаши шарт.

Зақалат пули «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Узбекистон Республикаси АТИБ «Ипотеканкининг Тошкент шаҳар, С.Рахимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 2020800004265383002, КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»-га мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Рахимов тумани, Қора-камши 2/4 даҳаси, М.Уразбобов кўчаси, 1 «А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона.

Маълумот учун телефон: 399-80-23. Факс: 399-88-05.

Ishonch
МУАССИС:
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухолик АБДУРАЗОҚОВ
Тахрир хайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Мамура Адилова, Мирзохид Содиков, Носирхон Акбаров, Ойсулуу Нафасова, Пиримкул Қодиров, Соғиндик Ниетуллаев, Шавак Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Фуломзокир Юсупов

Бизга кўнгирик қилинг:
Котлибят 153-52-78;
Хатлар бўлими 153-85-43;
Касабга уюшмалари хайти бўлими 153-87-63

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. ИВМ компьютериде терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босема табоқ, Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Тиражи: 7627
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй,
Нашр курсаткичи: 133; 134

Буюртма 1—1115

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Ж.Шарофбоев
Навбатчи - О.Эргашев
Муасхаси - Д.Қомолов

Саҳифаловчи-дизайнер:
З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди -